Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика худудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

Xabar

28 (773)-son

13-iyul

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2007

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!

Берлин университети олимлари HD DVD ёки Blu-ray дискка 500 Гбайтгача бўлган маълумотларни кўчириш имконини берувчи технологияни ишлаб чиқишди.

Янги технология одатдаги DVD-технологиядан бирмунча фарқланади, яъни маълумотлар дискнинг сиртқи қисмига эмас, балки ички нанотизимларига кўчирилади. Унинг моҳияти лазер нурларида яширинган — лазер мултиплексиялаш технологияси ёрдамида тўлқин узунлигини салгина ўзгартиради. Тўлқин узунлигини бошқариш натижасида HD-дискка маълумотларнинг ҳар бир қаторини 10 Гбайтдан, жами 50 қатлам қилиб жойлаштириш мумкин бўлади.

Олимларнинг таъкидлашларича, мазкур технология янада такомиллаштирилса, битта дискка 1 Тбайтгача маълумот кўчириш мумкин.

ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИЛАР

Компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати – WCG2007 Uzbekistan Preliminary миллий саралаш турнирига якун ясалди. Унда ғалаба қозонган киберспортчилар халқаро майдонларда юртимиз шарафини ҳимоя қилиш имконига эга бўлишди.

Ушбу сонда:

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ — 2-БЕТ

Янги рукн: ДЎППИНИ ЕРГА ҚЎЙИБ... — 5-БЕТ

ГОВОРЯЩИЙ ТРОЯН — 6-БЕТ

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ МАГНАТИ — 11-БЕТ

ҚАЙТА КАШФ ЭТИЛАЁТГАН ШАҲАР — 16-БЕТ

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

UzNet Internet Service Provider — сифат рамзидир

Sarkor Telecom — юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN — JUMAGACHA

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июл куни Оқсаройда Японияниг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Юичи Кусумотони дипломатик ваколат муддати тугагани муносабати билан қабул қилди.

Ю.Кусумото ўз миссиясини бажариши давомида кўрсатган ёрдами, мунтазам қўллаб-қувватлаб келгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди. Мамлакатимизда ўтказган йилларини асло унутмаслигини, бой таассуротлар билан қайтаётганини, бундан кейин ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга баҳолиқудрат ҳисса қўшажагини алоҳида таъкидлади.

Матбуотда "2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва иҳтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июл куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси молия вазири Цзин Женцинни қабул қилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси молия вазири Цзин Женциннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида пойтахтимизда Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, нефт-газ, банк-молия тизими, машинасозлик, қурилиш, тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат ва енгил саноат соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга, жумладан, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этишга оид масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Матбуотда "Содиқ хизматлари учун" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, "Содиқ хизматлари учун" медали тўғрисидаги Низом" ҳамда "Содиқ хизматлари учун" медалининг тавсифи" чоп этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Сеулдаги элчихонасида "Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббускорлигидаги "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари юзасидан хорижий мамлакатлар иҳтимоий-сиёсий доиралари вакилларининг тақриз ва баҳолари тўплами" тақдимотига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Шунингдек, тадбир чоғида Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди ва муҳокама қилинди.

"Маҳалла муҳити: Марказий Осиёда ўзгараётган маданият ва жамият" — Токио университетининг Шарқ маданияти институтида шу номли китоб япон тилида босмадан чиқди. 350 саҳифа, 7 қисмдан иборат бўлган ушбу салмоқли монография муаллифи Цикуба университетининг доценти, ватандошимиз Темур Дадабоевдир.

Нашрда маҳалла институтини ривожлантириш, шунингдек, мамлакат иҳтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида унинг ўрни ва ролини кучайтириш ишида Ўзбекистон тўплаган бой тажрибага алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг жорий йил биринчи ярмидаги иҳтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

ЯРИМ ЙИЛ САРҲИСОБИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралда ўтган мажлисидаги "Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш — асосий вазифамиздир» маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросига ҳамда ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида иҳтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, иҳтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни давлат тасаррафидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини кучайтириш, хизматлар турларини кўпайтириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилгани таъкидланди.

Жорий йилнинг биринчи ярми натижалари бўйича комплекс таркибига кирувчи корхона, агентлик ва ташкилотлар томонидан 388,8 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Бу 2006 йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан 148,3 фоизни ташкил қилади.

Ҳисобот даврида мобил алоқаси абонентларининг сони 3,7 миллионга етгани ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланувчилар сони 1.835 минг нафарни ташкил қилгани таъкидланди.

Мажлисда инвестиция дастури ижроси ва экспорт кўрсаткичларининг бажарилиши атрофлича таҳлил қилиниб, мутасадди раҳбар ходимларнинг ушбу вазифаларни бажаришдаги масъулиятини ҳамда хорижий инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри инвестициялар салмоғини янада ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

> Жорий йилнинг биринчи ярми натижалари бўйича комплекс таркибига кирувчи корхона, агентлик ва ташкилотлар томонидан 388,8 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

Йиғилишда мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Келгусида ушбу йўналишда ва бошқа соҳалар бўйича жаҳон тажрибасини ўрганишга, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Ахборот-коммуникация технологиялари, матбаа соҳаларида хизмат кўрсатишни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш суръатларини янада жадаллаштириш, жумладан, қишлоқ жойларда алоқа соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда нашриёт-матбаа ижодий уйлари қошида аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш борасида топшириқлар берилди.

Мажлисда "Алоқабанк" акциядорлик тижорат банки томонидан банк тизимида аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, янги замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, йиғилишда ижро интизомини кучайтириш, комплекс таркибидаги идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Радиочастоталар бўйича давлат комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бутунжаҳон радиоалоқа конференциясига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. БРК-07 кун тартибининг 1.1 банди бўйича ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Алоқа маъмуриятининг улуши ХЭИга юборилганлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа маъмуриятининг радиочастота спектридан фойдаланиш ва тақсимлаш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги низоми кўриб чиқилди ва маъқулланди.

«Радиочастота спектри техник назорат тизими ускуналарини етказиб бериш, монтаж қилиш, созлаш ва фойдаланишга топшириш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича ахборот тингланди.

Ўзбекистон Республикаси «Радиочастота спекти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ радиочастоталар ягона регистрини яратиш дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва радиочастота органларида жорий этиш масалалари ҳамда қабул қилинган РЧДК қарорларига мувофиқ ажратилган частота полосаларида радиочастота спектри фойдаланувчилари томонидан ўтказилаётган тажриба учун фойдаланиш ишларининг бориши ҳам кўриб чиқилди.

Юридик шахсларнинг республика ҳудудида ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиш ва сотиш мақсадларида радиоускуналарни олиб кириш масалалари бўйича ҳамда алоқанинг янги хизматларини кўрсатиш учун частота ресурсларини ажратиш бўйича қарорлар қабул қилинди.

Қатор РЧДК қарорлари бекор қилинди.

Комиссия йиғилишида радиочастота спектридан рационал ва самарали фойдаланиш бўйича бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ABITURIENT - 2007

Катта синов остонасида

Шиддаткор давр шитоб билан ривожланиб, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларигача ҳаётга кенг жорий этилмоқда. Ҳозир бирорта муассаса ёки корхона йўқки, у ерда замонавий компютерлар, алоқа воситалари, радиоэлектрон қурилмалар ўрнатилмаган бўлса. Бу эса шу соҳа бўйича малакали мутахассисларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ортишига, ўз навбатида, ушбу йўналишларда мутахассислар тайёрловчи ўқув даргоҳлари — Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежларида ўқиш истагида бўлган ёшлар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда.

2007-2008 ўқув йили учун қабул жараёни қандай давом этаётгани ва бу борадаги янгилик ва ўзгаришларни билиш мақсадида мазкур билим масканларида бўлдик.

Тошкент ахборот технологиялари университетида қабул айни авж паллага кирган. Бу ерда ўқишни хоҳловчи ёшларнинг университет ҳақида тўлиқ маълумот олишлари учун барча шароит яратилган.

— Шу пайтгача бўлган маълумотларга кўра, — дейди университет проректори Бахтиёр Омонов. — Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқиш истагида бўлган абитуриентларимиз сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизга ошди. Бўлғуси талабалар кўпроқ иқтисод, информатика ва ахборот технологиялари соҳаларига қизиқмоқдалар. Бизда ўқиш истагида бўлган ёшларнинг кўпайиши соҳамизга эътибор ортиб бораётганидан далолатдир.

— Кейинги пайтда мобил алоқа жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда, — дейди ўзини Матлубаман деб таништирган абитуриентлардан бири. — Мақсадим келажакда мобил алоқа тизимлари бўлимида ўқиб, етук мутахассис бўлиш. Бу ерга келиб бўлим ҳақида етарлича маълумотга эга бўлдим.

Шунингдек, телекоммуникация ҳамда информатика ва ахборот технологиялари бўйича касб таълимлари, ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик, иқтисодиёт, менежмент, радиотехника, телевидение, радиоалоқа ва телерадиоэшиттириш, ахборот хавфсизлиги, электрон тижорат, сервис (ахборот ҳамда электрон ва компютер техникаси бўйича сервислар), почта хизмати каби йўналишлар бўйича билим олиш истагида бўлган ёшлар ҳам анчагина.

ТАТУда, шунингдек беш йўналиш бўйича мутахассис тайёрловчи, ўқиш муддати уч йил бўлган махсус сиртқи ўқиш шакли ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежига борганимизда "2007-2008 ўқув йилида 9-синф битирувчилари касб-ҳунар коллежларига шаҳодатноманинг ўртача бали бўйича тўғридан-тўғри махсус синовсиз, имтиҳонсиз ва суҳбатсиз қабул қилинадилар" деган эълонга кўзимиз тушди. Бунинг сабабини коллеж директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Зулхумор Бобожонова шундай изоҳлади:

— Шу йилнинг 18 июнида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 473-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими вазирлиги ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази қарори билан илова қилинган умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш билан қамраб олиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низоми тасдиқланди. Мақсад — ўн икки йиллик умумий мажбурий таълимни касбга боғлаб олиб бориш. Бугунги кунгача Тошкент шаҳридаги 42та мактабдан ташқари барча мактабларнинг 10-11-синфлари ёпилган. Улар ўқишларини касб-ҳунар коллежларида давом эттирадилар. Шу кунгача 990 нафар ўқувчи шаҳодатномасидаги баҳоларнинг ўртача бали асосида қабул қилинди. Болаликдан ногирон, етим ҳамда ота-онаси қаровисиз қолган болалар тўғридан-тўғри қабул қилиндилар. Шунингдек, халқаро, Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳр ва вилоятлар босқичидаги Фан олимпиадалари ғолиблари, аъло даражадаги умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатномаси бўлган битирувчилар устунликка эга бўлдилар.

— Республикамизнинг ҳамма вилоятларида ҳам алоқа касб-ҳунар коллежлари йўқ. Соҳа мутахассисларига эса эҳтиёж катта.

— Ҳақиқатан ҳам Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларидагина ана шундай коллежлар мавжуд. Айни пайтда, юқори ташкилотларда вилоятлардан ҳам талабалар қабул қилиш масаласи кўриляпти. Шуни айтиш керакки, коллежимиз — республикамиздаги энг кекса билим масканларидан бири. Унинг ташкил этилганига ҳадемай 80 йил тўлади. Бизда ўқиб кетганларни республикамизнинг барча вилоятларидаги алоқа ва ахборотлаштириш тизими соҳасида учратиш мумкин.

Дарҳақиқат, мазкур ўқув даргоҳи ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув юртлари ўртасида юқори нуфузга эга. Коллежда ўқувчиларнинг ўқишлари, дам олишлари ва яшашлари учун шароитлар етарли. Бу ерда кундузги бўлимдан ташқари ўқувчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда (11-синф ҳажмида) контракт-тўлов асосида ўқиб, коммутация тизимларини ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, аналог ва рақамли узатиш тизимларини ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, почта алоқаси хизматини ташкил этиш бўйича мутахассисликларга эга бўлишлари ҳам мумкин.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
«Xabar» мухбири

УЛУҒЛАР ХАЗИНАСИДАН

Йигитликда йиг илмнинг махзани,
Қарилик чоғи сарф қил ани.
Алишер НАВОИЙ

KIBERSPORT

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Киберспорт дунё миқёсида тобора оммавийлашиб бормоқда. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Агар биринчи мамлакат чемпионатида 600 нафар геймер иштирок этган бўлса, жорий йилда 3500 иштирокчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Компютер ўйинлари спорт тури сифатида Олимпия қўмиталари томонидан ҳам тан олинмоқда. Шу йилнинг октябр ойи охирларида Макао (Хитой)да ёпиқ иншоотларда II Осиё ўйинлари ўтказилади. Ушбу йирик мусобақага "e-sport" қоидаси ҳам киритилган. Бу турнирда бошқа спортчиларимиз қатори киберспортнинг FIFA Soccer 07 ва Need for Speed™ Carbon ўйинлари бўйича мамлакат чемпионлари ҳам иштирок этишади.

Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичида Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент саралаш турнирларидан муваффақиятли ўтган 72 нафар геймер ўзаро баҳс олиб борди.

Need for Speed™ Carbon ўйинида чемпионлик учун кураш ҳар доимгидек икки асосий рақиб ўртасида кечди. Ўтган йили пешқадамликни бой бериб қўйган Дониёр бу йил рақибидан реванш олишга муваффақ бўлди: терма жамоамизнинг ҳозирча жаҳон чемпионатидаги энг яхши натижаси соҳиби – Артурни иккинчи ўринга тушишга мажбур қилди.

1-ўрин — Дониёр Шомузаффаров, Тошкент.

2-ўрин — Артур Арзанов, Тошкент.

3-ўрин — Сардорбек Абдуллаев, Фарғона.

Иккинчи бўлиб ўз якунига етган StarCraft®: Brood War™ ўйинида мамлакат чемпионати ғолиб ва совриндорлари қуйидагилар бўлди:

1-ўрин — Шаҳбоз Эркинов, Тошкент.

2-ўрин — Фирдавс Ҳасанов, Бухоро.

3-ўрин — Сергей Ширходжаев, Тошкент.

WarCraft®III: Frozen Throne финал турнири якунига кўра Элмурод Нуртаев яна бир бор барча рақибларидан устун эканлигини исботлади:

1-ўрин — Элмурод Нуртаев, Гулистон.

2-ўрин — Темур Бектаев, Чирчиқ.

3-ўрин — Элдор Иброҳимов, Тошкент.

FIFA Soccer 07 ўйини бу йили биринчи бор мусобақа низомига киритилди. Турнирнинг биринчи медаллари қуйидаги геймерларга насиб этди:

1-ўрин — Бобур Тожибоев, Тошкент.

2-ўрин — Дилмурод Жунайдуллаев, Тошкент.

3-ўрин — Баҳодир Воҳидов, Қарши.

Ҳар доимгидек, Half-Life™: Counter-Strike 1.6 ўйини қизғин курашларга бой бўлди. Аввалги чемпионатларда ушбу ўйин бўйича Тошкент шаҳри жамоалари ғолиблик учун асосий даъвогар бўлиб келишган ва медалларни ҳам ўзаро бўлиб олишган. Бешинчи миллий чемпионатда вазият ўзгарди. Кескин ўтган финал баҳсида Андижоннинг ABS жамоаси ProdigY жамоасидан чемпионликни тортиб олишига озгина қолди. Ҳал қилувчи вазиятда пойтахтликларга тажриба қўл келди ва улар бешинчи бор олтин медал соҳибига айланди:

1-ўрин — ProdigY жамоаси (Тошкент): Владимир Содиқов, Тимур Абдулқосимов, Абдуфаррух Мажидов, Александр Юдович, Артур Аксанов.

2-ўрин — ABS жамоаси (Андижон): Азиз Тожибоев, Аҳмадхон Азимов, Бобур Азимов, Шаҳзод Зикиряев, Рустам Тўхтаров.

3-ўрин — Team Liberty жамоаси (Тошкент): Александр Левентул, Олим Дадахонов, Павел Цветошенко, Ришат Гизделханов, Артём Атбашян.

"Зарафшон" концерт залида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Чемпионат ташкилий қўмитаси раиси Александр Сучков мусобақаларни ўтказишда яқиндан ёрдам берган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига, бош ҳомий – "Ўзбектелеком" АК, ҳомийлар – Logitech, Sarkor Telecom, UCD Micros компанияларига миннатдорчилик билдирди. Шундан сўнг ғолиб ва совриндорларни табриклаш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Арипов сўзга чиқди.

— Йилдан-йилга мусобақа савияси ҳар жиҳатдан ошиб бормоқда, – деди Бош директор. – Айниқса, вилоятлардан келган иштирокчилар ҳам медалларни қўлга киритаётгани бизни хурсанд қилади. Асосий мақсадимиз ҳам жойларда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришдан иборат. Эътибор бersак, чемпионатимиз қатнашчиларининг ўртача ёши 16да экан. Жорий йилда энг улуғ байрамимиз – Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги кенг нишонланади. Бунинг ҳам ўзига хос рамзий маъноси бор. Барча ғолибларга Макао ва Сиэтлда ҳам улкан муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

Ғолиб ва совриндорларга чемпионат медалларидан ташқари ҳомийлар совғалари ҳам тақдим этилди. Бешта ўйин бўйича олтин медалга эга бўлган 9 нафар геймерга шу йилнинг октябр ойида Американинг Сиэтл шаҳрида бўлиб ўтадиган WCG2007 гранд финалида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалар топширилди.

Тақдирлаш маросими якунида эстрада хонандалари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Лутфилло ТУРСУНОВ

ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАДИЛАР

XALQARO HAYOT

ҚИММАТГА ТУШГАН ОЗОДЛИК

Полициячилар Сан-Диего шаҳри яқинидаги йўлда ғалати воқеанинг гувоҳи бўлишди. Улар юқори тезликда кетаётган машинани тезликни оширганлиги учун тўхтатишганида машина салонидан 24 граммга яқин марихуана топишди. Машина эгаси эса... АҚШнинг собиқ вице-президенти Алберт Горнинг фарзанди, 24 ёшли Алберт Гор-учинчи эди.

Алберт Гор-учинчи полиция маҳкамасидан 20000 долларлик гаров эвазига озодликка чиқди.

АВТОБУС ЖАРГА ҚУЛАДИ

Иссиқ об-ҳаво кўплаб мамлакатларда кучли ёмғир ёғишига сабаб бўлмоқда. Мексика жанубида ҳам тинимсиз ёғаётган ёмғир жалага айланди. Оқибатда йўловчи автобус жарга қулаб тушди.

— Ҳозир мамлакатнинг жаладан зарар кўрган Пуабло штатида қутқарув ишлари олиб борилмоқда, — дея хабар беради "Рейтер" агентлиги. — Бу ишга мингдан ортиқ киши жалб этилган. Жарга қулаган автобус тош ва чиқиндилар остида қолган. Автобусда 60 нафар йўловчи бўлиб, улар воқеа жойида ҳалок бўлишган.

ЯМАННИНГ БМТГА МУРОЖААТИ

"Новости" АА нинг хабарига кўра Яман ҳукумати БМТ Хавфсизлик кенгашига терроризмга қарши курашишда ёрдам сўраб мурожаат қилган. Мамлакат ташқи ишлар вазири Муҳиддин ад-Даби Сано шаҳрида БМТ ХКнинг доимий аъзолари бўлган давлатлар элчилари билан мазкур масалада учрашган.

АМЕРИКАЛИКЛАР ФИКРИ

Яқинда АҚШда навбатдаги ижтимоий сўров ўтказилди. Ню-Гемпшир штатидаги "American Research Group" тадқиқот ташкилоти томонидан ўтказилган мазкур сўров натижалари шуни кўрсатдики, иштирокчиларнинг 45 фоизи АҚШ Президенти Жорж Бушга импичмент эълон қилиниши тарафдори экан. Шунингдек, америкаликларнинг 54 фоизи Ироқдаги урушнинг бош "архитектори", вице-президент Дик Чейнига импичмент эълон қилинишини исташар экан. "AFP" АА нинг маълум қилишича, сўровда 1100 америкалик иштирок этган.

Маълумки, шу пайтга қадар импичмент АҚШнинг иккита президенти: 1868 йилда Эндро Жонсонга ва 1998 йили Билл Клинтонга нисбатан эълон қилинган. Лекин ҳар иккала президент ўз лавозимларида қолишган.

КУТИЛМАГАН ОБ-ҲАВО

Буэнос-Айрес аҳолиси кутилмаган об-ҳавонинг шоҳиди бўлишди. Мамлакатда тўқсон йилдан кейин биринчи маротаба қор ёғди. Шу пайтгача қорни кўрмаган Аргентина пойтахти аҳолиси атрофни ажабланиб томоша қилишмоқда. Об-ҳаво кескин ўзгариши муносабати билан шаҳарда ҳаво ҳарорати - 3 даражага тушиб кетди.

— Минтақа учун ноёб бўлган бундай ҳодиса яқин ярим аср мобайнида содир бўлмаслиги мумкин, — дейишмоқда метеорологлар.

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

СИФАТГА ЭЪТИБОР

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мижозларни сифатли алоқа билан таъминлаш ҳамда уларнинг талабларини қондириш мақсадида «Сирдарё Телеком» филиалида жорий йилнинг апрел ойида вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан режали текшириш ўтказилди.

«Сирдарё Телеком» филиали ва унинг тармоқларида кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш бўйича сезиларли ишлар қилинган. Масалан, 2005-2006 йилларда вилоятнинг барча туман марказлари ва саккизта қишлоқда замонавий рақамли АТСлар ўрнатилган. Шунга қарамасдан, ушбу АТСларнинг техник имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги текшириш давомида аниқланди.

Филиалнинг текширилган шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғлама(ТБ)ларида фуқаролардан тушган ариза ва шикоятлар билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни ва тегишли меъёрий-ҳужжатлар талабларига зид равишда олиб борилган.

ДАИнинг «Ишонч телефони» хизматига мижозлар томонидан телефон шикастланишлари бўйича ҳам бир қатор мурожаатлар келиб тушган.

Ариза ва шикоятларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, улар асосан маҳаллий телефон тармоғига тааллуқли бўлиб, мижозлар телефонлари узоқ муддатдан бери ишламаганлигининг асосий сабаблари кабел ўғриликлари, магистрал кабелларнинг ишдан чиқиши ва телекоммуникациялар боғламаларида ходимларнинг ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашишлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабларини бажармаслик ҳолатларидир.

Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламасида 2007 йил 1-чоракда телефон носозликлари бўйича 4126та ариза тушган бўлиб, шулардан 3517таси аниқланган, 1164таси ўз пайтида бартараф этилган. Вақтидан ўтиб тузатилганлари 135856 телефон/соатни ташкил этган, яъни ШТБда тушган аризалар бўйича телефон носозликларининг учдан бир қисми ўз пайтида, қолган икки қисми вақтидан ўтиб бартараф этилган.

Сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар тузилмаган, фақат линия-кабел хўжалиги (ЛКХ)да жорий таъмирлаш ишлари, осилган симларни тартибга келтириш, яроқсиз ҳолга келган симёғочларни алмаштириш, кабел қутиларини ва канализацияни жорий таъмирлаш ишлари белгиланган.

ШТБда алоқа линиялари ва иншоотларини қуриқлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган. Натижада 2006 йил давомида ЛКХда ўғриликлар содир этилган, лекин ҳужжатлар расмийлаштирилмаган ва тегишли ички ишлар бўлимига чора кўриш учун юборилмаган.

Фуқаролардан телефон шикастланишлари бўйича тушган шикоятлар жорий йилнинг 11 апрелида текшириб кўрилганда, етти нафар мижознинг телефонидаги носозлик ўз вақтида бартараф этилмагани аниқланди.

Шаҳардаги марказий АТСда 28та магистрал кабел мавжуд бўлиб, ҳаммаси доимий ҳаво босими остига қўйилган, шулардан иккитаси авария ҳолатида, иккитасида ҳаво сарфи меъёридан юқори бўлган.

4-мавзедаги 5000 рақамли станция (RSS)да 12та кабел доимий ҳаво босими остига қўйилган, шундан бир магистрал кабел авария ҳолатида.

Янгиер шаҳар ТБ томонидан 13-шакл электралоқа сифат кўрсаткичлари бўйича тақдим этилган статистик ҳисоботлар таҳлил қилинганда шаҳар телефон тармоғининг «08» хизматига мижозлардан 2006 йил 3-чорагида 1314та, 4-чоракда 1255та телефон шикастланишлари тўғрисида ариза тушганлиги, ўз вақтида 3-чоракда 1115 ва 4-чоракда 1199таси бартараф этилганлиги, шикастланган телефонларнинг вақтидан ўтиб тузатилгани 3-чоракда 159790 тел/соатни, 4-чоракда 210980 тел/соатни ташкил этганлиги маълум бўлди.

Ўтказилган текширишларда аниқланган камчиликларга ва сифат кўрсаткичлари бузилишига йўл қўйган "Сирдарё Телеком" филиалининг электралоқа бўлими бошлиғи Э.Турдибоев, Гулистон шаҳар ТБ бошлиғи Б.Комилов, линия кабел хўжалиги муҳандиси Ш.Сиддиқов, Гулистон шаҳар ТБ техника хавфсизлиги муҳандиси Н.Лисовенко, Янгиер шаҳар ТБ етакчи муҳандиси Ў.Шерқўзиев, линия кабел хўжалиги муҳандиси Х.Набиев, филиалнинг маркетинг бўлими бошлиғи Ж.Сатторова, ахборот хавфсизлиги етакчи муҳандиси О.Муҳаммедовалар Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 153-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг бир ва икки баробари миқдорида жаримага тортилиб, улардан 161460 сўм ундириб олинди ва давлат бюджетига ўтказилди.

«Сирдарё Телеком» филиали бўйича телефон шикастланишларининг ўз пайтида бартараф этилмагани 2007 йил 1-чоракда 288457 тел/соатни, 2-чоракда 287942 тел/соатни ташкил этган.

2007 йил 12-23 март кунлари «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сирдарё филиалида Давлат алоқа инспекцияси томонидан режали текшириш ўтказилди. Унда 2006 йилда почта алоқаси сифат кўрсаткичлари бўйича 2005 йилга нисбатан пасайишга йўл қўйилганлиги, почта хавфсизлигини таъминлаш ва пул маблағларини сақлаш бўйича олиб борилган ишлар қониқарсиз даражада эканлиги, почта алоқаси тармоғида ижро интизоми, иш тартиби ва ички меҳнат тартиби қоидаларининг қўпол равишда бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги, сифат ва муҳофаза комиссияси томонидан олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

Филиал фаолиятида йўл қўйилаётган ушбу камчиликлар ҳамда назоратнинг сусайтирилганлиги оқибатида туман почта алоқаси тармоқларида ҳам соҳага тегишли қонун ва меъёрий ҳужжатлар талабларининг қўпол равишда бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги, жумладан, текширилган Пахтаобод почта алоқаси тармоғида почта жўнатмалари ва пул маблағлари муҳофазаси таъминланмаганлиги, бош кассада белгиланган меъёрга амал қилинмаслиги, банк муассасасидан олинган пул маблағлари ўз вақтида кирим қилинмаслиги, бош кассани тўсатдан текшириш тўғрисида тармоқда буйруқ чиқарилмаганлиги, алоқа бўлимларига мадад пуллари айрим ҳолларда МС-45 шакл фармойиши тузилмасдан, чиқим ордерларига тармоқ бошлиғи ва бош ҳисобчи имзоси қўйилмасдан ва фармойишлар почта алоқаси тармоғи бошлиғи томонидан тасдиқланмаган ҳолда жўнатилиши, 2007 йил март ойи пенсия ва нафақалар тўлови текширилганда 17 мартгача тўланган ведомостларда жами 459 минг 416 сўм 83 тийин тўлов учун олинган суммадан ортиқча тўланганлиги ва ушбу сумма тўланган пул ҳисоботига киритилмаганлиги, пенсия ва нафақаларнинг бегона шахсларга тўланиши Янгиобод алоқа бўлимида 75 фоизни, Зомин алоқа бўлимида 45,9 фоизни ташкил қилиши, 2007 йил 15 март ҳолатига 210 нусха газета, жумладан 82та республика аҳамиятидаги даврий матбуот нашрлари обуначиларга ўз вақтида етказиб берилмаганлиги, қатъий ҳисобот бланклари назорати йўлга қўйилмаганлиги, аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш қониқарсиз ташкил этилганлиги, 47-шакл квитанциялари тўлиқ ёзиб берилмаслиги ва ўрганишларда аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари тузилиб, унинг бажарилиши тўғрисида раҳбарлар имзоси билан ДАИга маълумотлар тақдим этилган бўлишига қарамасдан, филиал (Т. Сайфуллаев) ва тармоқ (Э. Хайитов) раҳбариятининг ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашганлиги сабабли мавжуд камчиликлар такрорланаётганлиги ойдинлашди. Тармоқда ижро интизоми қониқарсиз аҳволда бўлиб, ходимлар ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилишмайди, почта жўнатмалари ва пул маблағлари муҳофазаси етарли даражада йўлга қўйилмаган, кўрсатилаётган хизматлар сифати пастлигича қолмоқда.

Текшириш давомида аниқланган камчиликларга йўл қўйганлиги ҳамда назоратни сусайтирганлиги учун Давлат алоқа инспекцияси томонидан филиал директори Т.Сайфуллаев, директорнинг эксплуатация бўйича биринчи ўринбосари З.Абдужалилова, директорнинг почта хавфсизлиги бўйича ўринбосари Ш.Убайдуллаев, почта алоқаларини ташкил этиш бўлими бошлиғи Л. Папонова, Сардоба почта алоқаси тармоғи бошлиғи А.Йўлдошев, тармоқ эксплуатация бўйича муҳандиси А.Бойжигитов, бош ҳисобчиси Х.Исмоиловлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, ДАИ томонидан филиалнинг Пахтаобод ПАТда ўтказилган ва текшириш якунлари бўйича тузилган далолатнома 2007 йил 1 июнда Сирдарё вилоят прокуратурасига қонун асосида чора кўриш учун юборилди.

Сардоба ва Ховос почта алоқаси тармоқларида ички меҳнат интизоми бузилганлиги, пул маблағларининг сақланиши таъминланмаганлиги, почта алоқаси тармоқларида эксплуатация бўйича олиб борилган ишлар қониқарсиз аҳволда бўлганлиги сабабли филиал раҳбариятига филиалнинг почта алоқаси бўлими бошлиғи Л.Папонова, Сардоба туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи А.Йўлдошев, Ховос туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи Э.Хайитовларга нисбатан эгаллаб турган лавозимларига нолойиқ эканлиги тўғрисида тавсиялар берилган эди, лекин филиал раҳбарияти томонидан ҳанузгача ҳеч қандай чоралар кўрилмаган.

Ховос ПАТни ўрганиш даврида аниқланган камчиликларга йўл қўйганлиги учун назоратчи Ш.Худойбердиевга ҳайфсан эълон қилинди. Чаманзор АБ бошлиғи Д.Маҳмудова, Зафаробод АБ бошлиғи Х.Ҳайдарова, Ҳамза АБ бошлиғи Х.Махсудова ва Пахтакор АБ бошлиғи Х.Жонзоқовларга ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима солинди.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича "Сирдарё Телеком" ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиали раҳбарияти томонидан кескин чоралар кўрилган ҳолда сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича ижобий ўзгаришлар бўлишига аминмиз.

Амангелди ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Сирдарё вилояти ДАИ бошлиғи

УРГАНЧ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Урганч шаҳри кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Бу ерда ташкил қилинаётган марказий хиёбонда машҳур олим ва аллома Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳайкали қад ростлайди, атрофида фаввоpалар қурилади ва марказ кўкаламзорлаштирилади. Хиёбонга туташ бинолар ҳам қайта таъмирланмоқда. Вилоят театри ва «Хоразм Телеком» биноси янги қиёфа касб этади. Курантсоат ҳам майдон марказига кўчирилади.

Ҳозирги кунда «Хоразм Телеком» биносини қайта таъмирлаш ишларини Тошкент шаҳарлараро алоқа қурилиш («Межгорсвязстрой») бошқармаси 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг 40дан зиёд ишчи-хизматчиси шижоат билан олиб боришмоқда. Иш икки сменада ташкил этилган. Хоразмлик алоқачи қурувчилар ҳам меҳмонларга ёрдам беришмоқда. Қурилишнинг умумий смета баҳоси 570 миллион сўмдан зиёд бўлиб, «Хоразм Телеком» филиали томонидан молиялаштирилмоқда. Филиал биносининг икки минг квадрат метрдан зиёд ташқи тарафига «алюкапбонд» қопламаси ўрнатилади. Бунёдкорлик ишларини икки ярим ойда, яъни Мустақиллик байрамигача ниҳоялаш кўзда тутилган.

– Корхонамиз саноат-фуқаролик қурилишлари ва таъмирлаш ишларини олиб боради, — дейди 4-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи ўринбосари Аркадий Айрапетянц. — Масалан, шу кунга қадар «Ўзбектелеком» АК биносини ва унинг қошидаги Инженер-техник марказни қайта таъмирлаш, «Қарши-Термиз» йўналишида оптик-толали кабел ётқизиш ишлари амалга оширилди.



Айниқса, қурилиш-монтаж бошқармасининг прораби Анатолий Демидов, монтажчилардан Анвар Хўжаев, Шуҳрат Улуғхўжаев, пайвандчилардан Баҳодир Саидалиев, Турсунбой Отахўжаев, ғишт терувчи Қудрат Шариповларнинг ғайрат-шижоатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қайта таъмирлашни ўз муддатида якунлаш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,
«Xabar»нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

СУРАТЛАРДА: 1. «Хоразм Телеком» филиали биносининг янги кўриниши чизмаси. 2. 4-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи ўринбосари Аркадий АЙРАПЕТЯНЦ ва «Хоразм Телеком» филиали директори ўринбосари Аҳмаджон САМАНДАРОВ таъмирлаш ишлари юзасидан ўзаро фикр алмашишмоқда.

2007-YIL — IJTIMOIY HIMOYA YILI

Барчаси учун раҳмат!

Оминахон АБДУРАСУЛОВА,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Фарғона филиали оператори:

— Шу кунларда муқаддас қадамжоларга зиёрат таассуротларидан тўлқинланиб яшаяпман. Яқинда касаба уюшмамиз берган йўлланма бўйича вилоятимиздаги почта ходимларидан беш киши қатори мен ҳам Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида саёҳатда бўлиб қайтдим.

Ватанимизнинг юраги — Тошкент кейинги йилларда янада улуғворлик касб этибди. "Қатағон қурбонлари" хотира музейи, "Темурийлар тарихи" давлат музейи, "Мустақиллик майдони", "Мустақиллик ва эзгулик" монументи, "Мотамсаро она" ҳайкали, хотира китоби... Қадамжолар бўйлаб борар экансиз юракларидаги онаюртга муҳаббат ҳам юксалаверади. Тарихнинг биз билган-билмаган саҳифаларига янгича нигоҳ ташлай бошлаганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

Самарқанддаги Регистон майдони, Улуғбек, Шердор ва Тиллакорий мадрасаларини, Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилдик. Улуғбек обсерваториясини томоша қилдик. Бизга маънавий ҳузур ва саодат йўлини кўрсатган улуғ аллома бобомиз Имом ал-Бухорий мажмуи кўнгилларимизни нурга тўлдирди.

Қадимий Бухородаги Лаби ҳовуз, Девонбеги хонақоси, Улуғбек, Мир Араб мадрасалари, амирларнинг ёзги саройи — Ситораи Моҳи хоса каби муборак қадамжолар ўз жозибаси билан хотирамизда ўчмас из қолдирди.

"Дилинг Аллоҳдаю, қўлинг ишда бўлсин" — ҳазрат Нақшбанд зиёратгоҳида буюк заковат соҳибининг бу ўгити онг-тафаккуримизда ўзгача бир садо бериб, қалбларимиз энг гўзал туйғулар билан нақшланди. Аввало, шунга яна бир ишонч ҳосил қилдимки, биз танти ва закий халқ вакилларимиз, фарзандларимизни ана шу руҳда ўстиришимиз керак.

Ижтимоий ҳимоя йилида кўнгилли саёҳатни ташкил этиб берганликлари учун раҳбариятимиз ва касаба уюшма қўмитамизга ташаккур изҳор этамиз. Ҳурматэҳтиром, узоқ йиллик меҳнатларимиз қадр топгани учун раҳмат, деймиз.

Давлатингиз зиёда бўлсин, яхшилар!

Ёдгорой ҚОБИЛОВА,
Учкўприк тумани, Турват қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси:

— Тўрт фарзандни ёлғиз катта қилиб, ўқитиб, солиҳ инсонлар қаторига қўшишга интиляпман. Катта ўғлим Содиқжон Қўқон телекоммуникациялар боғламасида ишлаб, Тошкент ахборот технологиялари университетида сиртдан ўқиди ва шу кунларда етук мутахассислар қаторидан ўрин олди. Бунда меҳнат жамоаси — "Фарғона Телеком" филиали раҳбариятининг ёрдами катта бўлди. Кичигим Саминжон ҳам акасининг йўлидан бориб, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида ўқияпти. У ҳам олий маълумот олиш истагида.

Мен филиал раҳбариятига, ўғлимнинг ишдаги ва ўқишдаги устозларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Раҳмат, барака топинглар. Сиз катта ҳаётга тайёрлаётган ёш шогирдларингиз, албатта, ишончингизни оқлайди, дейман ғурур билан.

Ҳафиза САЛЯҲОВА
ёзиб олди

DO'PPINI YERGA QO'YIB...

Шикоят

ГАПЛАШИБ БЎЛМАЙ ҚОЛДИ...

"Шахсан мен ўзим ва қолган қишлоқдошларим билан биргаликда санаб шу май ойидан буён 6 июн, 2007 йилга қадар 36 маротаба телефонимизнинг кабели ўғирлаб кетилганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бизнинг Фўс қишлоғимизда 960та телефон нуқтаси мавжуд бўлиб, ҳозир ҳаммаси ишлаб келмоқда. Каму кўсти йўқ, аммо ўғрилардан бездик. Бус-бутун тортилган Ургут-Фўс линияси 36 маротаба кесиб кетилиб, кунимиз 25-30-35-40 метрлик улоқ кабелларга қолгани туфайли, эндиликда телефонларимиздан фойдаланиш анча оғирлашди. Керакли вақтда гаплашиш имконияти бўлмай қолмоқда.

Абдулло ОЧИЛОВ,
Фўс қишлоғи"

Жавоб

АСОССИЗ МАЪЛУМОТЛАР

"Самарқанд вилояти, Ургут тумани, Фўс қишлоғида истиқомат қилувчи Абдулло Очиловнинг 2007 йил 7 июнда «Xabar» газетаси таҳририятига йўллаган мурожаати "Ўзбектелеком" АКнинг "Самарқанд Телеком" филиали масъул раҳбари ва мутахассислари томонидан жойида атрофлича ўрганилди ва... ёзилган маълумотлар асоссиз эканлиги маълум бўлди, А.Очиловдан тушунтириш хати олинди.

Б.НУРМАТОВ,
"Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари"

Афсус

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

"Мен, Абдулло Очилов Ургут тумани, Фўс қишлоғида яшайман. Жорий йилнинг январидан 8 майгача иш юзасидан бошқа давлатга кетган эдим. Ушбу муддат ичида икки маротаба уй телефоним 483-69-10 билан гаплаша олмадим.

Мен сафардан қайтганимдан кейин қишлоқдаги чойхонада телефонда гаплаша олмаганлигим тўғрисида суҳбатдошларимга айтганимда даврада ўтирганлардан бирови, адашмасам, 30-36 марта кабел ўғрилиги бўлди, деб гапирганидан сўнг шу одамни гапи билан асоссиз равишда охиригача суриштирмасдан "Ургутда 36 марта ўғрилик содир бўлди" деб "Xabar" газетасига жорий йилнинг 7 июн куни мактуб йўллаган эдим.

Ушбу хатни жорий йилнинг 19 июн куни "Самарқанд Телеком" филиали раҳбарияти ва мутахассисларидан иборат гуруҳ Ургут туман телекоммуникациялар боғламасига ташриф буюриб, атрофлича ўрганиб чиқишди. Фўс қишлоғи фуқаролари билан учрашувда, чойхонада 30-36 марта ўғрилик бўлди деб суҳбатга қўшилган суҳбатдошимиз уйида телефон бўлмаса ҳам асоссиз равишда гапирганлигини тан олиб, аризани ўрганаётган гуруҳ аъзоларидан нотўғри, ўйламай гапирган гапи учун минг бор узр сўраб, энди ўйлаб гапиришини ва битта нотўғри сўзнинг бу даражада катта шов-шувга олиб келишлигини кўриб афсусланди.

Мен, Абдулло Очилов ўзим суриштирмасдан аччиқ устида бировни гапига кириб «Xabar» газетасига хат йўллаганим учун таҳририятдан узр сўрайман.

Эндиликда ҳар бир ҳолатни ўзим чуқур ўрганмасдан мактуб ёки шикоят хати йўлламасликка қарор қилдим ва хат охирида яна бир марта узр сўрайман.

Абдулло ОЧИЛОВ,
Фўс қишлоғи"

Таҳририятдан

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Азиз газетхон, юқоридаги мактубларни қандай бўлса шундайлигича эътиборингизга ҳавола этдик. Қаранг, чойхонада эшитган гапларига асосан ўйлаб, суриштирмасдан шикоят ёзган Абдулло Очиловнинг мурожаатини ўрганиш учун соҳа мутахассис-раҳбарларининг анча-мунча вақти, корхонанинг маблағи беҳудага кетди. Ачинарлиси, кейинги пайтларда бу хилдаги "шикоятчи"лар оз бўлсада, учраб турибди.

Тирноқ остидан кир қидирадиган, сўраб-суриштирмай шовқин кўтарадиган ва бошқаларнинг асабига тегиб ҳузурланадиган, жамоада носоғлом муҳитни юзага келтириб роҳатланадиганларга инсоф тилаб, шу баҳона Сиз — азиз газетхонларга мурожаат қилмоқдамиз. Айтингчи, юқоридаги мактублардан қандай хулоса чиқардингиз? Сизнинг ҳаётингизда ҳам шу тарздаги воқеалар, балким учрагандир. Учраган бўлса, уларга қандай муносабат билдиргансиз? Ўзгалар ютуғини кўролмаслик, шахсий адоват оқибатида ўзининг омадсиз ва уқувсизлигига чидолмай "ёзғувчи"ликни одат қилаётган айрим кимсаларни инсофга чақириш, тўғри йўлга солиш мумкинми?

Юртбошимиз қайта-қайта таъкидланганларидек, оламшумул ютуқлар баробарида тараққиётимизга тўсиқ бўлаётган турли иллатлардан ҳали-ҳозиргача батамом қутулганимиз йўқ. Тўрачилик, масъулиятсизлик, амалда ўтирганда оёғи ердан узилиб қолиш, манманлик, очкўзлик сингариларга қарши ҳамма ерда, ҳамиша муросасиз кураш бўлиши зарур, албатта. Аммо ёлғон шикоят, туҳмат ва ичиқоралик ҳам юқорида тилга олинганлардан кам иллат эмас. Модомики, шундай экан, буларнинг илдизини қуритиш ёки мавжуд Қонунлар ва тегишли ҳужжатларга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш керакдир. Балки, баъзиларимиз шундай одамларни кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олаётгандирмиз, менга тегмаса бас деб томошабин бўлиб тургандирмиз. Умуман, бу борада дўппини ерга қўйиб ўйлаб кўрадиган гаплар йўқ эмас. Келинг, шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларингизни янги очилган "Дўппини ерга қўйиб..." рукнимизга жўнатинг.

Дўппини ерга қўйиб кўплашиб, бир мушоҳада қилайлик. Хатларингизни кутамиз.

Новости в сфере ИКТ

ГОВОРЯЩИЙ ТРОЯН

Компания Panda Software предупреждает о появлении новой вредоносной программы.

Обнаруженный троян получил название BotVoice. При проникновении на машину под управлением Windows вредоносная программа вносит ряд изменений в системные файлы ОС, делая невозможным вызов диспетчера задач и утилиты редактирования реестра. Кроме того, троян запрещает запуск файлов с разрешениями BAT, COM, EXE, MP3 и пытается удалить всю информацию с диска С. Таким образом, владелец инфицированного ПК может лишиться всех своих документов и накопленной информации.

BotVoice не просто уничтожает пользовательские данные, но еще и насмехается над жертвой. Троян непрерывно воспроизводит фразу следующего содержания: «You have been infected I repeat You have been infected and your system files has been deleted. Sorry. Have a Nice Day and bye bye» (Вы были инфицированы. Повторяю, Вы были инфицированы и Ваши системные файлы удалены. Прошу прощения. Приятного дня, пока-пока).

НОУТБУК МОЖЕТ ПОДЕШЕВЕТЬ ДО 50 ДОЛЛАРОВ

Портативные компьютеры XO, разрабатывающиеся в рамках проекта OLPC, к 2009 году могут подешеветь до 50 долларов США. По крайней мере об этом заявила Мэри Лу Йепсен, технический директор проекта OLPC.

Изначально планировалось, что портативные компьютеры XO поступят в продажу по цене в 100 долларов. Однако по мере приближения проекта OLPC к финальной стадии предполагаемая стоимость ноутбука постепенно возрастала. Теперь разработчики рассчитывают начать продажи устройств по цене около 175-180 долларов США. Конфигурация XO предполагает наличие процессора AMD со сверхнизким энергопотреблением, 128 Мб оперативной памяти, 512 Мб флэш-памяти (вместо винчестера), контроллера Wi-Fi и 7,5-дюймового дисплея с разрешением 1200 x 900 пикселей.

ДОМАШНЯЯ ВЕТРЯНАЯ ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯ

Маълумот учун айтиш жоизки, хизмат муддатини ўтаб бўлган шахсий компютерлар, ўйин қурилмалари, микротўлқинли печлар ва кир ювиш машиналари "электрон чиқинди" ҳисобланади. Ҳар йили Қўшма Қироллиқда 1,2 миллион тоннадан ортиқ ана шундай чиқиндилар тўпланиб қолади ва аксарият қисмига ишлов беришга улгурилмайди.

Собит АҲАДОВ тайёрлади

ҲАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВСАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!



Лицензияланган таълим ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

Бизнинг мақсадимиз — давр талабидаги сифатли кадрлар тайёрлаш!

«Сизнинг ишончингиз — бизнинг масъулиятимиз!»

«ЭФФЕКТ – МОЛИЯ»

Ўқув-тадқиқот илмий маркази чуқур ва сифатли билим олишга интилган ёшларни 100 фоиз кафолати ва амалиёти билан замонавий мутахассислар тайёрловчи қуйидаги интенсив ўқув бўлимларига таклиф қилади:

I. Молия-иқтисод ва бошқарув бўлими:
(малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)
— **Бухгалтер-молиячи** (бош ҳисобчи даражасида)— 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (нолдан балансгача, компьютер, Internet, 1С бухгалтерия программаси).
— **1С бухгалтерия программаси** — 1 ой, тезкор — 8 кун. 60 минг сўм. Якка тартибда.
— **1С бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати** — шартнома асосида.
— **Ўрта ва кичик бизнес раҳбари** — 1 йил, тезкор — 5 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компьютер, бухгалтерия, меҳнат қонунчилиги, бошқарув тактикаси).
Банк иши (офис ва банк программаси,кредитлаш ва бухгалтерия) — 1 йил, тезкор — 5 ой. 1 ойга 30 минг сўм.
— **Кадрлар иши** — 6 ой, тезкор — 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (компьютер, Internet, меҳнат қонунчилиги).
— **Секретарь—референт** – 3 ой, тезкор — 1 ой. 1 ойга — 30 минг сўм, (компьютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

II. Компьютер технологиялари бўлими:
(фақат якка тартибда)
— **Компьютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати – 2 ой, тезкор ўқитиш – 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга – 15 минг сўм.
— **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) – 15 кун, тезкор – 4 кун, 15 минг сўм.
— **Photoshop, CorelDraw, 3D Max, AUTO CAD, FlashMX, PageMaker,** (видеомонтаж) **Adobeprimier дастури.** 1 ой. 35 — 50 минг сўмдан.
— **WEB сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
— **Компьютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш** – 1 ой, 40 минг сўм.
— **Компьютерларарo локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** – 1 ой, 40 минг сўм.
— **Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6,0 DELPHI)** – 3 ой, 1 ойга – 60 минг сўм.
— **SQL(Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** – 2 ой, 1ойга – 60 минг сўм.
— **Уяли телефонни таъмирлаш** — 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
— **Программаларни ўрнатиш, компьютерларни йиғиш ва тузатиш, дискларга ва уяли телефонга музика, расм ёзиш, катта ҳажмдаги сканер ва ксерокс хизматлари.**

III. Тилларни мукаммал ўрганиш бўлими:
(кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
— **Инглиз тили** – (бошловчилар учун) – 4 ой, (чуқур ўрганиш) гид-таржимон — 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби – 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.
— **Немис тили, француз тили ва корейс тили** – (тўлиқ курс) — 1 йил, тезкор — 6 ой, 1ойга — 20 минг сўм.
— **Рус тили** – (бошловчилар учун) – 4 ой, (давом эттирувчилар учун) — 4 ой, гаплашув клуби — 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм.

IV. Йигит-қизларни ҳаётга тайёрлаш бўлими:
(фақат кичик гуруҳларда)
— **Сартарош—стилист, педикюр—маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) — 4 ой, 1 ойга —15 минг сўм, тезкор — 2 ой.
— **Тирноқларни ўстириш, коррекциялаш. Акрил ва гуаш билан гул ясаш ва чизиш** (якка тартибда) — 1 ой — 100 минг сўм.
— **Косметолог—визажист** – (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга – 15 минг сўм,тезкор — 1 ой.
— **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** (компьютер, интернет б-н) — 1 йил, 1 ойга – 15 минг сўм. Ўқиш поликлиникада, тезкор — 3 ой.
— **Фармацевтика** (компьютер, интернет б-н)—1 йил, 1 ойга — 15 минг сўм. (Ўқиш дорихонада), тезкор — 3 ой.
— **Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** – 4 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 2 ой.
— **Астарли устки кийимлар тикиш** – 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (якка тартибда), тезкор — 1 ой.
— **Тўй ва оқшом кўйлакларини тикиш** – 2 ой, 1 ойга 30 минг сўм (якка тартибда), тезкор —1 ой.
— **Газламалардан гуллар ясаш** — 2 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (якка тартибда), тезкор — 10 кун.
— **Кўлда кийим—буюмлар тўқувчи** (олий курси б-н) – 3 ой, 1 ойга –15 минг сўм (якка тартибда), тезкор — 1 ой.
— **Бисер усулида каштачи—безакчи** – (олий курси б-н) 2 ой, 1 ойга – 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.
— **Бисер асосида дизайн** – (якка тартибда) — 2 ой, 1— ойга 20 минг сўм.
— **Машинкада ва кўлда кашта тикиш (вишивка)**–муддати 3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм (якка тартибда).
— **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** — 2 ой, 1—ойга 15 минг сўм
— **Уйғур, миллий ва европа таомлари** (50 дан ортиқ овқатлар) —3 ой, 1 ойга — 15 минг сўм, тезкор — 1 ой.
— **Пазандалик** — (пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, 1 ойга – 15 минг сўм, тезкор — 1 ой ва 1,5 ой
Тортларни олий даражада безатиш санъати — 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
— **Заргарлик** — 6 ой, 1 ойга 35 минг сўм. Якка тартибда заргар ўргатади, тезкор — 3 ой.
Дарслар фақат якка тартибда ёки кичик гуруҳларда ҳужжат топширганингизданоқ бошланади.
Стандарт ўқув дастурлари ва кўлланмалари ёрдамида тушунарли усулларда чин дилдан **«устоз—шогирдлик»** асосида, қатъий тартиб муҳитида мутахассислар томонидан ўргатилади. Бир мавзуни ўзлаштирмасдан кейингисига ўтилмайди. Натижада амалиётда бемалол ишлаб кета оласиз!

Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат **паспорт** ёки **туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома** талаб қилинади. Тўлов нақд ёки пул ўтказиш йўли билан! Тест натижаларига кўра **лицензияланган диплом** берилади.
Қабул: 9:00-19:00, дам олиш куни – якшанба. **Ётоқхона** – 1 ойга 25000 сўм.
Манзил: Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 84-уй, «Қозоғистон» кинотеатрининг ўнг томони. (Автобуслар: 9,19,20,24,50,51,60,67,72,85,88,89,91,93,95,115)
Келиш йўли: метронинг Минор, автобусларнинг «Қозоғистон» кинотеатри бекати.
Тел.: 135-10-36 (факс), 134-70-69.

30 хилдан ортиқ касб-ҳунар!!!

Лицензия № ASUZ 00192200TT0002-05

SEMINAR

КУТУБХОНАЧИЛИКДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Нукус шаҳридаги Республика ахборот-кутубхона марказида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида замонавий технологиялар ва электрон ресурслардан фойдаланишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда марказ директори Зибагул Сапарова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича марказда қилиниши лозим бўлган ишлар, тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Марказнинг ахборот бўлими бошлиғи М.Утенова жамланган электрон каталог ёрдамида электрон ресурс ташкил қилиш ва ахборот базаларини яратиш ҳақида маъруза қилди. Маърузада таъкидланишича, республика миқёсидаги мавжуд кутубхоналарнинг методика асосида ҳамкорликда иш олиб бориши янги технологияларни тезроқ ҳаётга татбиқ этиш имкониятини яратади. Шунингдек, Қорақалпоғистонда веб-сайт яратиш бўйича ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, ахборот-кутубхона марказида оператор Саламат Авезов томонидан Ибрайим Юсупов ва Тўлепберген Қайипбергеновлар ижоди намуналари веб-сайтга киритилмоқда.

Семинарда сўзга чиққан 2-сонли Академик лицей ахборот-ресурс маркази бошлиғи Г.Шанназарова китоб ва газета-журналларнинг электрон шакли борасида ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Семинар қатнашчилари янги технологияларни амалда қўллаш борасидаги мавжуд муаммолар бўйича ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, марказдаги компютерлар ёрдамида бажариладиган юмушлар бўйича амалий ишлар олиб бордилар.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ,
«Xabar»нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги мухбири

KASBDOSHLARIMIZ

Дунёда шундай инсонлар борки, улар ўзларининг ҳалол, камтарона хизмати билан халқимиз ҳурмат-эътиборини қозонишади. Ҳакимжон Муродов ҳам ана шундайлардан бири.

Касбга меҳр

У 1973 йилдан то ҳозиргача "Фарғона Телеком" филиали Сўх телекоммуникациялар боғламасидаги марказий АТСда электромеханик вазифасида ишлаб келмоқда.

Алоқа фидойиси Ҳ.Муродов ўзига ишониб топширилган ишни бенуқсон бажаришга, АТСдаги носозликларни тезда бартараф этишга астойдил ҳаракат қилади. Ишдан бўш пайтларида мижозлардан телефондаги тўлов қарзларни йиғиш учун хонадонларга боради. Боғламада ўтказилаётган турли тадбир, байрамларда доимо бошқош. Масъуджон Ҳамроалиев, Майрамжон Қосимовалар бугунги кунда у киши билан ёнма-ён ишлаб, устозларидан касб сирларини ўрганишмоқда.

— Мен алоқачилик касбини танлаганимдан асло афсусланмайман, — дейди Ҳакимжон. — Жамиятга, халқимизга касбим орқали озми-кўпми фойдам тегаётганидан фахрланаман. Меҳнатимизга яраша ойлик иш ҳақи, мукофот пулларимизни вақтида оляпмиз.

Ишчан алоқачи Ҳакимжон Муродов яқинда 50 ёшни қаршилади. Биз ҳам у кишини табриклаб, ишларида доимо омадлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ
Сўх тумани

ЭЪЛОН!

«Xabar» газетаси ўз саҳифаларида корхона, ташкилот ҳамда хусусий фирмалар фаолиятига оид эълон ва рекламаларни, шунингдек, туғилган кун, никоҳ тўйи муносабати билан табрик-кутловларни, турли хил эълонларни чоп этишини маълум қилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 17-уй. "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали биноси, 3-қават.

Мурожаат учун телефонлар: 133-36-48, 136-36-42.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси "Ўзбектелеком" АКнинг "Фарғона Телеком" филиали Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи

Шуҳратжон ИБРАГИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси Агентликнинг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Қўшназар Ҳайитбоевга қизи

Нафосат ҲАЙИТБОЕВАнинг фожиали вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Фарғона Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи

Шуҳратжон ИБРАГИМОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, яқинларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тадбиркор



Ким агар хотиндан ақлли маслаҳат чиқмайди деса, ўлган бузоқнинг гўштини ебди. Ҳамиша бўлмаса ҳам баъзан-баъзан хотиннинг гапига ҳам амал қилиш керак. Ўзимдан қиёс.

— Дадаси, — деди бир кун хотин, — ҳозир ҳамма пул киракашларда. Битта машина олмасангиз биримиз икки бўлмайди.

— Тўғри айтасан, — дедим мен ҳам. — Ишқилиб ҳайдовчи лик гувоҳномам йўқолиб кетмаганми?

— Э, нима деяпсиз, — деди у. — Сандиққа солиб қўйибман.

— Қани ол-чи.

Хотин сандиқдан гувоҳномамни олди. Бадбўй ҳид димоғимга урилди.

— Галати ҳиди борми?

— Куя емасин деб нафталин сепиб қўйган эдим.

— Яхши иш қилмабсан, йўлда таёқча кўтариб турадиганлар мени эмас, энди гувоҳномани ушлашади. Бунинг алкашдай сасиб кетибди-ку.

— Йўли бор, — деди хотин. — Мана, сиз ичиб машина ҳайдаётганда ароқнинг ҳидини йўқотиш учун нима қилардингиз?

— Чет эл сақичидан чайнардим.

— Гувоҳномангизга сақич чайнатиб бўлмайди. Яхшиси, француз атиридан сепамиз.

— Каллангга қойил, хотин.

Якшанба куни Сергелидаги машина бозорига чиқдим. Жуда кўп машиналарни кўрдим. 1985 йилда чиққан прицепли «Москвич» жа маъқул келиб қолди.

— Ака, — деди эгаси, — олсангиз зарар қилмайсиз, пули ўзингиз билан бирга кетади.

Унча тортишиб ўтирмай, шартта олдим.

— Прицепига бало борми? — деди хотин уни кўриб.

— Бунда юк ташийман, — дедим мен.

— Қанақа юк?

— Бозорга қовун-тарвузда.

— Сизнинг «Москвич»ингизга кўзи учиб турганлар борми-кан? Яхшиси одам олиб юринг.

— Ниятни яхши қил, хотин. Насибага яраша топилади.

— Кўрамиз.

— Ишонмаяпсанми ҳали. Кўзингни мощдек очмасам, отимни бошқа қўяман.

«Қўйлиқ» бозорига эрта тонгда жўнадим. Икки соат машина олдида сигарета чекиб ўтирдим. Биров кимсан деб сўрамади. Нима қилсам экан, деб бошим қотиб турган эди, бошида дўппи, эгнида чопон, бир деҳқон мурожаат қилиб қолди.

— Далада озроқ тарвузим бор эди, бозорга обкеп бермайсизми?

— Нархини келишсак, об келаверамиз-да.

Тортишиб, бир тўхтамга келдик. Борадиган жойимиз унчалик узоқ эмас, шундоқ катта йўлга яқин далада экан. Деҳқонга бола-чақадан худо берган экан, зумда тарвузни прицепга юклашди. Бозорга қараб йўл олдик. Бозорда дарров харидор ҳам топила қолди. Деҳқон унга сотиб, менинг ҳақимни бериб кетди.

— Юк машинада туравермисан, — деди энди янги «хўжайин».

Ҳажвия

— Нега? — дедим ҳайрон бўлиб мен.

— Бу ерда тирикчилик деб юрибман-да, ака. Ўзим қўқонданман. Ҳозир харидор келиб қолади. Айтган жойига элтиб берасиз. Ундан ҳам ҳақингизни оласиз.

Менга нима, пул ишласам бўлди-да. Аслида, мақсадим ҳам шуку. Кўп кутмадик, кўзида кўзойнак, шим кийиб олган бир аёл тарвузга харидор бўлди. «Хўжайин» билан савдоси пишгач, менга:

— Юкни Юнусободга олиб борасиз, — деди у.

— Хўп бўлади, — дедим.

Айтилган манзилга етиб бордик. Билаклари тарвуздай шишиб чиққан икки йигит машинадан юкни тушира бошлади. Ўн доналар туширишгач, тўхтаб қолишди.

— Опа, тарвузларингиз мусичанинг тухумидай экан-ку?!

— Кичкина бўлса ҳам пишган, ширин.

Улар биттасини чақмоқлаб кўришди. Оппоқ.

— Бўлмайди. Бунингизни ҳеч ким олмайди. Бизга каттасидан олиб келинг, — деди йигитлардан бири.

— Олибсотар алдабди-да, — деди аёл жиғибийрон бўлиб. — Ҳайданг орқага.

Ҳалиги қўқонлик «хўжайин»-ни зўрға топдик. Аёл пулини қайтариб олди. Менга бир сўм бермади.

— Шеригингиз мени чув туширди, — деди сўнг қўқонлик.

— Қанақа шеригим?

— Ўша деҳқонда.

— Менинг шеригим эмас.

— Гапни айлантирманг, — деди у.

Бир ҳуштак чалган эди, ёнида бақувват иккита йигит пайдо бўлди. — Бу акамлар бозорнинг қоидасини билмас экан. Алмисоқдан қолган молини менга ўтказиб, пул ишламоқчи бўлган экан.

— Нима қиламиз? — дейишди улар.

— Пулни берсин, бошқа гап йўқ, — деди қўқонлик. Хуллас, у десам бу дейишди, бу десам у дейишди. Хотиним бензин учун берган пулни ҳам қоқиб олишди. Йигитлар ҳар қалай инсофлик экан, қўқонлик айтган суммадан ортиқчасини қайтаришди.

Далага қараб йўл олдим. Тарвуз ортган манзилни топдим. Деҳқонни суриштирдим. Пешонасидаги терни белбоғига артиб бир отахон келди.

— Ҳа, ўғлим, нима гап?

— Боя шу ердан тарвуз олиб кетган эдим. Ҳеч ким олмаяпти, эгасига қайтармоқчиман.

— Ўзим шаҳарга тушиб кетувдим, тарвуз ҳали хом эди. Пишмаган бўлса ҳам болаларни қўймай ўзинг уздирибсанку.

— Мен бир ҳайдовчиман, отахон. Ўрта яшар деҳқон бошлаб келди бу ерга мени. Тарвузимни бозорга олиб боринг, деб.

— Ҳа, энди тушундим. "Тадбиркор"га дуч келибсан, болам. Қанчага тушдинг?

— Ўн беш мингга.

— Тарвуз меники бўлгани учун беш минг бераман. Қолганини пешонангдан кўрасан, болам. Тарвузларни тушириб кет. Молга берамиз.

Киракашлигимнинг биринчи «омад»ли кунидан «бошим осмонга етиб» уйга қайтаётган эдим, йўл назоратчиси таёқчасини кўтариб тўхтатди. Машинани обдон текширгач, ҳужжатларимни сўради. Чўнтакни ковлаб ҳужжатларимни олиб бердим.

— Жуда муғомбир ҳайдовчига ўхшайсиз-а? — деди назоратчи гувоҳномамни ҳидлаб кўриб. — Машинани йўлнинг у — бу томонига ҳайдаб келаётганингиздан сезувдим ўзи, ичгансиз. Ичганингизни бидирмаслик учун ҳатто француз атирини ҳам сепиб олибсизда-а. Ундан кўра, сақич чайнасангиз бўларди-ку?!

Гапнинг қисқаси, чўнтакда борини назоратчига бердим. Уйга икки қўлимни бурнимга тиқиб қайтдим. Эшикда кутиб олган хотинга:

— Каллангга қойил! — дедим. — Тарвуз эмас, одам ташиш керак экан.

Хулосам шу: бирим икки бўлсин деган эркак хотиннинг гапига ҳам кирсин.

Абдураззоқ ОБРЎЙ

TURMUSH CHORRAHALARIDA

ОҚ КИҒИЗ

Гулсара вақтли туриб нонушта тайёрлади, кеча ювган кийимларини тахт қилиб эрини уйғотди. Козимжон шошилиб овқатланиб, ишига кетди. Ҳар куни аҳвол шу. Эри ўз маблағига очган автомобил тузатиш устахонасида бир-иккита шогирди билан тирикчилик қилади. Топганини уйига ташийди. Кечаям машинасини тўлдириб қовун олиб келди. Хотининнинг қовунни яхши кўришини билганидан бери кунора қовун олиб келади. "Буларни сен учун олиб келдим», — дейди шивирлаб.

У хаёлга берилиб, анча ўтириб қолди ва бирдан кўчани супуриши кераклиги эсига тушиб ҳовлига чиқди. Чиқди-ю, турган жойида қотиб қолди. Қайнсинглиси Гулбаҳор кўча-ю, ҳовлиларни чиннидай қилиб супуриб, ота-онасига нонушта ҳозирлаётган эди. Гулсарани ёвқараш билан кутиб олди.

— Нега турдингиз, кеннойи ҳали бироз ётсангиз бўларди, — деди у кесатиб. — Чақалоғингиз кечаси билан ухлатмаган шекилли-да, а?

Сўнг у бирдан ошкора ҳужумга ўтди:

— Келганингизга уч ой бўлди. Ёлчитиб бир иш қилмайсиз. Қайнота-қайнона хизматини қилмаган келин келинми? У дамлаган чойни кўтариб, ота-онасининг олдига кириб кетди.

— Ҳой болам, тилингга эрк берма, — деди Каромат ая. — Бироз сабр қилсанг ўзи қиларди шу ишларни. Келинимиз ёмон эмас, оёқ-қўли чаққонгина, озода, камсуқум.

— Э, нима қиласиз ортиқча мақтаб. Мен ҳам биламан. Лекин янаям вақтлироқ туришга ўргансин дейман-да.

Она-боланинг мунозарасига Карим ота нуқта қўйди.

— Иккита боланг билан қайнсингилларинг туфайли ота уйингда ўтирганинг эсингдан чиқмасин, — деди ота жаҳл билан. — Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга. Яна келинга шундай муомала қилганингни кўрсам, ёлғиз қизим экан, деб аяб ўтирмайман.

Бу гаплардан хабари йўқ Гулсара қўшни аёлдан онасини айттириб юборди. Ахир шу онаси эмасми, келган совчиларга мойиллик билдирган. Гулсарани ҳам ўз ҳолига қўймади. "Куёв бўлмиш яхши йигит экан, — деди у. — Меҳнаткаш, оғирвазмин. Эридан ажраган биргина сенми? Пешонангда бор экан, тутқаноғи бор йигитга учрадинг, ажрадинг. Энди ортиқча гап-сўзлар кўпаймасдан турмушга чиқақол. Барибир тоқ ўтмайсан-ку, аҳир."

Гапнинг нимада эканлигига ақли етган Қундуз ая қизиникига минг хавотирда кириб келди. Қудаларининг очиқ юз билан кутиб олишлари, иззат-ҳурмат кўрсатиб тўрга ўтқазишларини кўриб бироз кўнгли жойига тушди. Лекин қизининг кўзлари йиғидан қизарган, кайфияти ёмон эди. Дастурхон йиғиштирилгунча зўрға ўтирди. Чол-кампир эса Гулсара пиширган паловни мақтаб-мақтаб ейишди, дуо қилишди. Қайнсинглиси Гулбаҳор ҳам келинойисига ёрдам бериб юрди.

— Мунча пешонам шўр бўлмаса, аяжон?

Гулсаранинг хонасига киришгандаги биринчи гапи шу бўлди. У онасининг елкасига бошини қўйиб баралла йиғлаб юборди. Она аввалига қизининг йиғлашига қўйиб берди. Сўнг суриштириб, нима гаплигини билиб олди.

— Козимжон билан ораларингда бир гап ўтдими, деб қўрқиб кетибман, — деди она босиқлик билан насиҳат қилар экан. — Қайнсинглинг меҳмон, кўнгли нозик. Унчамунча гапларига хафа бўлма. Ўша гапни эшитмаслик йўлини қил. Энг муҳими, эринг, қайнота-қайнонанг сени ҳурмат қилишар экан, бахтинг очилгани шу қизим. Унутма, биринчи рўзғор қора кигиз. Унга қанча доғ тушса ҳам билинмайди. Сен ўзингнинг ақлу фаросатинг, сабрринг, босиқлигинг эвазига эрингнинг касалини элга ошкор қилмадинг. Кигизга доғ тушмади. Аммо ҳозирги турмушингни сақлаб қолиш сенга жуда қийин. Иккинчи рўзғор — оқ кигиз. Озгина доғ тушса ҳам дарров билинади. Шунинг учун уни покиза сақлашга ҳаракат қил. «Чиққан қиз чиғирикдан ташқари», дейдилар. Яхши ният билан шу остонага қадам қўйдингми, энди қайтиб кетишни хаёлингга ҳам келтирма. Шу хонадонда туб қўйиб, палак ёзгин.

Гулсара онасини мамнуният билан кузатар экан, рўзғорнинг барча қийинчиликларига чидашга аҳд қилди.

Иккинчи рўзғор — оқ кигиз. Озгина доғ тушса ҳам дарров билинади.

Гулчеҳра ЗОЙИТБОЕВА,
Андижон вилояти

"ЧОЛИҚУШИ" КРОССВОРДИ



ЭНИГА:

5. Давлатни идора этиш шакли. 7. Малака, кўникма; тадқиқот. 8. Даврий нашрлар. 9. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад қаламига мансуб романтрилогия. 10. Ҳужжатнинг асли билан тенг ҳуқуқли нусхаси. 12. Ўрта Осиё хонликларидаги ҳарбий-маъмурий мансаб. 14. Босния ва Герцеговина мамлакати пойтахти. 15. Аналгетик дори воситаси. 19. Спорт тури. 22. Кавказдаги миллат. 23. Полиз экини. 24. Ўзбек бадиий филми. 25. Санъат тури. 27. "Самарқанд-..." футбол клуби. 29. Ой номи. 30. Болгариялик башоратчи аёл. 31. Ўрта Ер денгизи бўйидаги князлик. 33. Панж ва Вахш дарёларининг бирлашувидан пайдо бўлувчи дарё. 34. Африкада яшови жонивор, оғирлиги баъзида 4 тоннагача етиши мумкин. 35. Табиат ҳақидаги фан. 36. Экваторни икки маротаба кесиб оқувчи дарё. 38. Мушкул ишни у билан қудуқ қазишга ўхшатишади.

БЎЙИГА:

1. Тракторчи. 2. Венгрияда ишлаб чиқариладиган автобус русуми. 3. Словакия пойтахти. 4. Моддий маданият ёдгорлиги. 6. Қуруқлик орқали Латвия, Белорус, Полша ва Россиянинг Калининград вилоятлари билан чегарадош давлат. 7. Куённинг бир тури. 11. Туркиялик Рашод Нури Гунтекиннинг машҳур асари (шу номли сериал ҳам суратга олинган). 13. Асаб касалликларининг сабаблари, аломатлари ва кечишини ўрганувчи фан бўлими. 16. Узоқ Шарқдаги шаҳар. 17. Маймун тури. 18. Америка ёввойи мушуги. 20. Шифокор иш қуроли. 21. АҚШнинг шимолий штати. 22. Ҳолливуд юлдузи Харрисон Форд жонлантирган образ — ... Жонс. 26. Механик одам. 32. Тўппонча. 34. Асал. 37. Футбол мухлислари орзиқиб кутадиган вазият.

Жавобнар

ЭНИГА:
5. Рестублика. 7. Тажриба. 8. Матбуот. 9. Ўфк. 10. Дубликат. 12. Юзбоши. 14. Сараево. 15. Тримол. 19. Регби. 22. Нигуш. 23. Ошқовоқ. 24. Аршин. 25. Опера. 27. Динамо. 29. Яшар. 30. Ванга. 31. Монако. 33. Аму. 34. Беренот. 35. Физика. 36. Конго. 38. Игна.

БЎЙИГА:
1. Механизатор. 2. Икарус. 3. Братислава. 4. Обида. 6. Литва. 7. Товушкон. 11. Чолиқуш. 13. Невропатология. 16. Владивосток. 17. Шимпанзе. 18. Пума. 20. Фонендоскоп. 21. Монтана. 22. Индиана. 26. Робот. 32. Наган. 34. Бол. 37. Гол.

ALOQACHI LUG'ATI

Ҳозирда жамият ва давлат бошқарувида, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида, бозор иқтисодиётида, халқаро алоқалар ва умуман, жамиятимизнинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилмоқда. Табийки, бу соҳага оид атама ва таърифлар ҳам ҳаётимизга кириб келмоқда. Ўқувчиларимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб "Ахборот технологиялари: Атамалар ва таърифлар" стандартида берилган атама ва таърифларнинг изоҳини чоп этиб борамиз.

Изоҳлар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази томонидан ишлаб чиқилган ҳамда марказ ва Агентликнинг Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими томонидан киритилган. Стандарт Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги томонидан рўйхатга олинган ва жорий этилган.

Маълумотлар базаси, МБ *(ru — база данных, БД; en — database, DB)* — 1. Амалий дастурларга боғлиқ бўлмаган ҳолда маълумотларни таърифлаш, сақлаш ва манипуляция қилиш умумий принципларини кўзда тутувчи белгиланган қоидалар бўйича ташкил қилинган маълумотлар мажмуи.

2. Маълумотлар базасининг схемаси билан мос равишда, улар билан фойдаланувчи ишлай оладиган тарзда ташкил этилган ўзаро боғлиқ бўлган маълумотлар мажмуи.

Ахборотлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий асоси *(ru — база информатизации нормативно-правовая; en — regulatory and legal informatization base)* — Ахборотлаштириш жараёнларини тартибга солувчи қонунлар ва норматив-ҳужжатлар тўплами.

Ахборотлаштиришнинг техник-технологик асоси *(ru — база информатизации технико-технологическая; en — technical and technology informatization base)* — Истиқболли инфокоммуникация технологиялари, ҳисоблаш техникаси воситалари ва телекоммуникациялар техникасини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш соҳаларининг шу соҳага хизмат кўрсатувчи илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ва корхоналарининг, шунингдек, ушбу соҳа мутахассис ходимларининг мажмуи.

(Давоми бор.)

BILASIZMI

- Маккажўхорининг бир тўп гулида 50 миллион чанг донаси бўлади.
- Амазонка дарёси ҳавзасида қайиқ каби қалқиб ўсувчи, сават шаклидаги йирик баргли виктория регма деган ўсимлик бор. Унинг доира шаклидаги улкан барги 50 килограмм юк қўйилганда ҳам чўкмай сув юзида бемалол қалқиб тураверади.
- Уруғдан экилган шафтоли 3-5 йилда, қайин 10-12 йилда, қорақайин 60-70 йилда, ўрмонда ўсувчи эман эса 80-100 йилда гулга киради.
- Теракнинг атиги бир тупида 28 миллион дона уруғ ҳосил бўлади.
- Яшил оламда гули энг тез очиладиган, шу билан бирга, энг қисқа умр кўрадиган ўсимлик Амазонка оқ нилфиясидир. Унинг гули 20-30 минут ичида ҳам очилади, ҳам чангланади, ҳаттоки, сўлиб ҳам улгуради.

FOYDALI MASLAHATLAR

КЕРАКСИЗ МАТОЛАР БЎЛМАЙДИ!

Уйингиздаги мато қийқимларидан самарали фойдаланишингиз мумкин, Масалан, пардалик ёки бошқа қалинроқ матодан диванингизга безакли ёстиқчалар тикиб олсангиз бўлади...

Бунинг учун оддий ёстиқ жилдидан андоза кўчиришингиз (фақат, кичикроқ) мумкин. Чиройли чиқиши учун шоҳи тасмалар билан безак бериб, ичини пахта ёки синтетика билан тўлдирсангиз кифоя. Агар мато қийқимлари кўп бўлса, стулларнинг эски жилдини янгилаб олинг. Бунинг учун стул ўриндиғини ечиб, эски жилдини оласиз. Ўриндиқдан каттароқ ҳажмда тўртбурчаклар кесиб олиб, ўриндиқнинг орқасига елимлаб қўясиз. Кичкина қийқимлардан ҳам рўзғор учун керакли нарсалар тикишда фойдаланса бўлади. Масалан, эски сочиқлардан чойнак ушлайдиган қўлқопча тикиш мумкин. Хуллас, кераксиз матодан кўпгина зарур нарсалар тикиб олсангиз бўлади. У ёғи ўзингизнинг дидингизга боғлиқ.

СОЧЛАРИНГИЗ ЖИЛОСИ УЧУН

- **Сочингиз майин ва сержило бўлишини хоҳласангиз, бир литр сувга бир ошқошиқ лимон шарбати қўшиб чайинг.**
- **Қазғоққа қарши энг яхши малҳам: олти ошқошиқ газанда ўт дамламаси ва худди шунча туятовон дамламасини бир литр сувга аралаштириб сочларингизни чаясиз.**
- **Соч учи ёрилганида мойчечак ва зубтурум дамламаси яхши ёрдам беради.**
- **Қуруқ сочларга ювишдан олдин ўн беш дақиқа қатиқ суртиб қўйилса, анча майин тортади.**

ОМАД КУЧЛИЛАРГА КУЛИБ БОҚДИ

Аввал хабар берганимиздек, 6-8 июл кунлари Ангрен шаҳрида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши кубоги учун мини-футбол бўйича "Шарқий" ҳудудий-минтақавий босқич мусобақалари бўлиб ўтди.

Мазкур мусобақаларда жойларда ўтган саралаш ўйинлари ғолиблари — "Андижон Телеком", "Наманган Телеком", "Тошкент Телеком", "Фарғона Телеком", "ЎзИ-Жиззах", "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиаллари ҳамда Самарқанд 4-ШМАТБ жамоалари иштирок этишди. Қурьа натижаларига кўра, бу жамоалар икки гуруҳга бўлинган ҳолда кейинги босқичга бериладиган уч йўлланма учун ўзаро беллашдилар.

Доира тизими бўйича ўтказилган ўйинларда ўзларини кўрсатган фарғоналик ва наманганлик телекомчилар якунда гуруҳ ғолиблигини қўлга киритишиб, дастлабки йўлланмалар соҳиби бўлишди. Ўз гуруҳларида иккинчи бўлишган "Андижон Телеком" ва "Тошкент Телеком" жамоалари учинчи йўлланма тақдирини ўзаро ҳал қилишди. Бу ўйинда тажрибалироқ ҳисобланган "Тошкент Телеком" жамоаси ўз имкониятини бой бермай финал босқичига йўлланма олди.

Мусобақалар якунида иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди. Номинациялар бўйича "Энг яхши дарвозабон" — Рустам Қобилов (Сирдарё), "Энг яхши ҳимоячи" — Баҳодир Мусаев (Самарқанд), "Энг яхши ҳужумчи" — Илёс Ибрсҳимов (Андижон) ва "Энг ёши улуғ қатнашчи" — Ориф Маҳмудов (Жиззах)лар тан олиндилар ва уларга ташкилий қўмитанинг махсус совринлари топширилди.

Айтиш жоизки, Ангренда ўтган мусобақаларда қутилмаган натижалар юз бермади. Яъни, доимгидек, кучли жамоалар кейинги босқичга чиқишди. Шунга қарамасдан, мазкур беллашувларда "Андижон Телеком", "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сирдарё филиали, Самарқанд 4-ШМАТБ ва "ЎзИ- Жиззах" жамоалари ўзига хос тажриба орттиришди, деб бемалол айтиш мумкин. Келгусида улар мусобақаларга тайёргарликни илгарироқ бошлаб, жиддий натижаларга эришишларига ишонч билдириб қоламиз.

Шу кунгача "Ғарбий" ҳудудий-минтақавий гуруҳдан "Қорақалпоқ Телеком", Навоийнинг "Алоқабанк", Сурхондарёнинг "Матбуот тарқатувчи" жамоалари финал ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритган бўлса, энди бу жамоалар сони олтитага етди.

Июл ойининг иккинчи ўн кунлигида Тошкент шаҳри ҳудудий-минтақавий мусобақалари бошланади. Унда пойтахт алоқа корхона, ташкилот ва муассасаларининг 18та жамоаси иштирок этиши кутилмоқда. Мазкур мусобақаларда финал босқичининг яна олтита йўлланмаси соҳиблари аниқланади.

Суннат АБДУҒАНИЕВ,
мусобақа ҳаками

ФИЛИАЛИМИЗ ФАХРИ

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган олий ўқув юртлари талаба ёшларининг "Универсиада-2007" спорт беллашувларида Хоразм вилояти спортчилари ҳам фаол иштирок этишди.

ТАТУ Урганч филиалининг IV босқич талабаси Мадина Бекчонова "Универсиада-2007" спорт мусобақасининг фахрли II ўрин соҳибаси сифатида кумуш медални қўлга киритди. Олий ўқув юртлари талаба ёшларининг "Универсиада-2007" спорт мусобақалари совриндори Мадина Бекчонова ТАТУ Урганч филиалининг тиришқоқ ва изланувчан, ўқиш ва жамоат ишларида фаол, жонкуяр талабаларидан биридир. Мадинага келгусида илм-фан чўққиларини забт этишида муваффақиятлар тилаймиз.

Отабек САФАРБОЕВ,
ТАТУ Урганч филиали талабаси

SPORT

Шу кунларда Осиёнинг тўрт мамлакатида Осиё кубоги-2007 финал босқичи баҳслари бўлиб ўтмоқда. Қитъанинг энг кучли терма жамоаларини жамлаган ушбу мусобақанинг биринчи тур учрашувлари кутилмаган натижаларга бой бўлди.

ШОВ-ШУВЛАРГА БОЙ БИРИНЧИ ТУР

"А" ГУРУҲИ

Осиё Кубоги баҳслари Таиланд ва Ироқ терма жамоалари ўйини билан бошланди. Ушбу жуфтликда бирор бир жамоани фаворит сифатида кўрсатиш мумкин эмас эди. Якунда ҳам шундай бўлиб чиқди.

Таиланд – Ироқ – 1:1

Голлар: Сути Суксомит, 6 (пен.) – Юнус Маҳмуд, 32.

Марк ШВАРЦЕР, Тим КЭХИЛЛ, Марк ВИДУКА, Гарри КЕВЕЛЛ – бу футболчиларни Европанинг кучли клубларидаги ўйинлари орқали яхши танимиз. Эндиликда улар Осиё яшил майдонларида ҳам тўп суришмоқда. Юлдузли футболчилардан иборат Австралия терма жамоасининг Осиё Кубогидаги илк учрашуви улар ўйлаганчалик осон бўлиб чиқмади. Уммонга қарши баҳсда фақат охирги дақиқалардагина мағлубиятдан қутулиб қолишди.

Австралия – Уммон – 1:1

Голлар: Тим Кэхилл, 90 – Бадар Муборак, 32.

«В» ГУРУҲИ

Бу йилги чемпионат Ветнам терма жамоасига ўзини кўрсатиш имконини берди. Аввалари саралаш баҳсларида рақибларига очко улашиб ўрганган ветнамликлар ўз мухлислари олдида Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоасини тор-мор қилди.

Ветнам – БАА – 2:0

Голлар: Куанг Тан, 63; Конг Вин,73.

Чемпионликка асосий даъвогар саналаётган Япония терма жамоаси ҳам биринчи турда жиддий қаршиликка учради. Ивица Осим шогирдлари Қатар билан ўйинда дурангга имзо чекишга мажбур бўлди.

Япония – Қатар – 1:1

Голлар: Наохира Такахара, 61 – Себастиян Куинтана, 88.

«С» ГУРУҲИ

Мезбон жамоалар ичида фақатгина Малайзия терма жамоаси шов-шувни амалга ошира олмади. Аксинча, Хитой ўз устунлигини тўлиқ намойиш этиб, мезбонларни йирик ҳисобда доғда қолдирди.

Малайзия – Хитой – 1:5

Голлар: Индра Путра Маҳаюддин, 72 — Хан Пенг, 15, 55; Шао Жиайи, 36; Ван Донг, 51, 90.

Ниҳоят Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам баҳсларга киришди. Биринчи уриниш вакилларимизга муҳим очколарни келтириши мумкин эди. Бироқ Рауф Инилеев шогирдларига тактик ва руҳий тайёргарлик етишмади. Ўйин давомида, айниқса, биринчи бўлимда терма жамоамизнинг чап қаноти бутунлай бўш қолди. Ҳужумчи ҳисобланган Павел Соломиннинг чап қанот ярим ҳимоясида ҳаракат қилиши ўзини оқламади. Футболчиларимиз фақат майдон маркази ва ўнг қанотда ўйин кўрсатди. Охир-оқибат Эрон терма жамоаси бу хатодан унумли фойдаланди.

Эрон – Ўзбекистон – 2:1

Голлар: Жалол Ҳусайний, 55; Жавод Козимиён, 78 – Раҳмон Ризоий, 16 (ўз дарвозасига).

«D» ГУРУҲИ

Баҳрайнга қарши ўйинда Индонезия терма жамоаси ҳужумчиси Бамбанг Памунгкас киритган тўп терма жамоага ғалаба келтирди ва миллионлаб индонезиялик футбол мухлисларини хурсанд қилди.

Индонезия – Баҳрайн – 2:1

Голлар: Буди Сударсоно, 14; Бамбанг Памунгкас, 64 – Сайид Маҳмуд Жалол, 27.

Биринчи турнинг сўнгги ва марказий учрашуви 1:1 ҳисобида якунланди. Ўйин кутилганидек шиддатли курашларга бой бўлди. Учрашувда бир оз устунликка эга бўлган Жанубий Корея терма жамоаси ғалабани ушлаб қола олмади.

Жанубий Корея – Саудия Арабистони – 1:1

Голлар: Чой Сун Кук, 66 – Ёсир ал-Қоҳтани, 77.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусаид КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шуҳрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: *orif@infonet.uz*

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорий материал — 0
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

653-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 7905 нусха.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Матн терувчи: **Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.**

Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

MARG'ILON SHAHRINING 2000 YILLIGIGA

"ОЛИМЛАР МАКОНИ" ДЕБ ТАЪРИФЛАНГАН МАРҒИЛОН БУГУН ЎЗГАЧА БИР ЧИРОЙ КАСБ ЭТМОҚДА. ШАҲАРДА 2000 ЙИЛЛИК ТЎЙ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ҲАҚИДА БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ЖАМҒАРМАСИ РАИСИ ЎКТАМ ЭШОНБОБОЕВ БИЗГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:

ҚАЙТА КАШФ ЭТИЛАЁТГАН ШАҲАР

— Саид Аҳмад Хўжа Эшон мажмуасида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, ҳозир бу ер "очиқ осмон остидаги музей" деб таърифланмоқда. Пур Сиддиқ мақбараси XVII асрда яратилган. Бу обиданинг ҳам қадимий кўрки тикланди. Нақшинкор гумбази жилоланиб, кўзларга қувонч бахш этиб турибди. Тарихшунос олимларнинг айтишларича, бу ерга тўртинчи халифа Абу Бакр Сиддиқнинг авлодларидан — Шожалил ва Пошшо биби дафн этилган. Пур Сиддиқ мажмуасининг ўрта қисмида Шарқ уйғониш даври қомусий олими, "Ҳидоя" асари муаллифи Ар-Рошидоний Бурҳониддин Марғинонийнинг чиллахонаси жойлашган. Насаблари Абу Бакр Сиддиқ розийаллоҳу анҳуга бориб тақалувчи буюк алломанинг қабри Гўри Аввал маҳалласида бўлган деган ривоятлар юради. Ана шу муборак қадамжода ғиштдан шарқона услубда мақбара тикланди. Меъморий девор билан ўраб чиқилган мажмуа бутун бир ансамблни ташкил этади.

Сойбўйи даҳаси улуғ тўйга тайёргарлик шарофати билан янада кўркам қиёфага кирган. Бу ерда салкам ўн уч гектар майдонда ёшлар хиёбони барпо этилди. 560 ўринли амфитеатр, болалар учун 2та чўмилиш ҳавзаси, 4та аквапарк, чархпалак, арча ниҳоллари, чаман-чаман очилиб ётган гулзорлару майсазорлар — буларнинг баридан дил қувнайди.

Муҳаббат ва вафо куйчиси бўлган Жаҳон отин Увайсийнинг уй музейи шарқ ўймакорлик санъати асосида қайтадан бунёд этилди. Шоира ва қариндошларининг марқадлари тикланди.

Йирик муҳаддис ва фиқҳ олими Имом Абдулазиз ибн Абдураззоқ Марғинонийнинг мозороти — Улуғмозор тикланиб, узунлиги 5 метр нақшинли янги айвон зиёратхонаси қад кўтарди.

Ўқув юртлари, коллежлар, мактаб ва мактабгача муассасалар, маданий-маиший бинолар, дўконлар қурилди ва мавжудлари замонавий услубда қайта ишланди.

Бунёдкорлик ишларида Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қорақалпоғистон ва Қўқоннинг машҳур меъмор усталари қатнашдилар.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
«Xabar»нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

FILATELISTLAR BURCHAGI

2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

"Ўзбекистон иқтисодиётидаги энг янги ютуқлар" почта маркалари туркуми.

2001 йил 24 август.
341-343. 3 почта маркаси ва 1 купондан иборат занжир.
С. ШАРИПОВ дизайни.
Ф.ҚУРБОНБОЕВ фотоси.

Маркалар Ўзбекистонда ғалла хўжалигининг ривожланишига бағишланган.

Маркалар ва купон бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Марка ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусхадан.

341. "Комбайн ғалла ўримида" почта маркаси.

342. "Комбайн ғалла юкламоқда" почта маркаси.

343. "Ислом Каримов ва ғаллакорлар ғалла даласида" почта маркаси.

Маркалар горизонтал ҳолатда жойлашган 3 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган. Варақдаги маркалар сони 12та, купонлар 4та.



OBUNA — 2007

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Газетамизга 2007 йилнинг қолган ойлари учун обуна давом этаётганини маълум қиламиз. «Xabar»га барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Якка тартибдаги обуначилар ва ташкилотлар учун ягона нашр кўрсаткичи — 228.

Унутманг, обуна йил бўйи давом этади!

ХАНДАЛАР

— Палма дарахтини умримда биринчи марта кўриб туришим.
— Қани? Қани?..
— Ҳов ана, баланд бўйли йигитнинг футболкасида!

***

— Чекасанми?
— Йўқ... Фақат ичганимда чекаман.
— Тез-тез ичиб турасанми?
— Нима десам экан?.. Чекким келганда ичаман.

***

— Дўхтир, мен тилла қошиқни ютиб юбордим. Ёрдам беринг!
— Қачон ютдингиз?
— Уч ой илгари.
— Ие, нега ўша заҳоти келмадингиз?
— Унда пулга муҳтожлик сезмагандим.

«ЎЗДУНРОБИТА»: ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ЭРТАК

Бир вақтлар давримизнинг ютуғи саналган бу тизим ҳақида гапириш эртакдай туюларди. Мустақиллигимиз туфайли эртак ҳақиқатга айланди — хорижнинг йирик компаниялари ўз ваколатхоналарини очиб, ўзларига муносиб шерик топдилар...